

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
 ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
 ОРГАНИ

● 2000 йил, 14 декабрь, пайшанба № 150 (1414).
 Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
 ● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
 ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
 РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 14 декабря 2000 г. № 150 (1414).
 Газета издается с 24 июня 1992 г.
 ● В розницу — цена свободная.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов 12 декабрь куни Қозоғистон ташқи ишлар вазирлари Ерлан Идрисовни қабул қилди.
 — Давлатларимиз ўртасида ўзаро алоқаларни мустақамлашда мана шундай ташрифларнинг аҳамияти катта, — деди Президент уч-

рашувда. — Ҳозирдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яқини, деган гап бежиз айтилмаган. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Ўзбекистон билан Қозоғистон халқларини, нафақат яқин қўшинчилиги, балки азалий қон-қардошлик ришталари ҳам бирлаштириб туради.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда транзит тартиблари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитацияси билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.
 (ЎЗА).

«Президент кубоги» турнирининг яна бир эътирофи

9—17 сентябрь кунлари Тошкентдаги «Юнусобод» спорт саройида Ўзбекистон Республикаси «Президент кубоги» аънавий теннис турнири еттинчи бор зўр муваффақият билан ўтказилган эди. Жаҳоннинг номдор теннисчилари қатнашган ушбу мусобақа ташкилий жиҳатларининг мукамаллиги, қизиқишининг зўрлиги билан алоҳида ажралиб турди. «Президент кубоги» баҳслари дунёнинг ўнлаб мамлакатларига телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.

«Президент кубоги»нинг нуфузи 2000

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ КАРИМОВ Жаъноби Олийларига Муҳтарам Президент, Яқинда Тошкентга ташриф буюрган чоғимда кўрсатган илиқ меҳмондўстлигиниз учун Сизга яна бир бор ташаккур айтмоқчиман. АТП Тур гуруҳи ҳар йили маълум миқдордаги турнирларини «Устунлиги учун мукофот» билан тақдирлайди.

Йилги турнирда ҳам жаҳонда тап олинб бўлган эди. Хусусан, 1999 йилда ўтказилган мусобақа АТП Турнинг «Устунлиги учун мукофот»ига муносиб қўрилган эди. Шунинг учун АТП Тур ижрочи директори Марк Майлзнинг жорий йилдаги мусобақаларда шахсан иштирок этиши учун Тошкентга келгани бежиз эмас.

Ушбу ташриф чоғида Марк Майлз Президент Ислоҳ Каримов қабулида бўлган эди. Қуни кеча Марк Майлздан Президент Ислоҳ Каримов номига қўйидаги мактуб келди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

шабинлар сони ортгани учун муносиб қўрилди. Сизга АТП Турни қўллаб-қувватлаётганингиз ва Марказий Осиёда теннисни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Энг эзгу тилаклар билан

Марк МАЙЛЗ,
 АТП Тур ижрочи директори.

Ҳужжатлар имзоланди

Ўзбекистон ва Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Комилов ҳамда Ерлан Идрисов Қозоғистон ташқи ишлар вазирлигининг раҳбарининг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунларига бағишлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Вазирлар, дастлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида чегара хизмати вакиллари фаолияти тўғрисида битим ҳамда икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик ва фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисидаги протоколни имзолади.

А. Комилов матбуот ан-

жуманини очар экан, Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистонга расмий ташрифидан кўзланган асосий мақсад икки қўшни юрт ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янги босқичга қўтаришдан иборат эканини қайд этди. Хусусан, бунинг тасдиғи сифатида бугун икки тараф муҳим ҳужжатга имзо чекиди, деди вазир.

Қозоғистон ташқи ишлар вазирлигининг раҳбари Ўзбекистонлик ҳамкасбининг сўзларини тасдиқлаб, Ўзбекистонга сафари самарали бўлганини таъкидлади. Ташриф доирасида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ва бошқа расмий кишилар билан учрашувлар ўтказилди. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳам-

корликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, давлат чегараларининг делимитацияси, сув захираларидан унумли ва тежамли фойдаланиш, Орол муаммоси ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ қўллаб-қувватлаётган масалалар муҳома қилинди.

Е. Идрисов эндиги мақсад давлатларимизнинг Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш, мазкур ташриф асосида ва илгари имзоланган ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича амалий ишлар қилиш эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон Ташқи ишлар вазирликларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш бу мақсадларни рўйбога чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деди.
 (ЎЗА).

Конституция фан сифатида ўрганилади

Яқинда республикамизнинг барча олий ўқув юрларида мамлакатимизнинг Асосий Қонуни махсус фан сифатида ўрганила бошланди. Республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида шу ҳақда алоҳида тўхтаган эди. Ҳозирги кунда ушбу янги курснинг ўқув дастури ишлаб чиқилмоқда. Республикаимизнинг барча олий ўқув


юртларида ташкил этилган миллий истиқлол гоёсини ўрганиш ва тарғиб қилиш марказлари талабалар билан Конституцияга бағишланган учрашув ва суҳбатлар уюштирилиши ўз зиммасига олган. Мазкур марказлар ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этадиган ижтимоий фаилларнинг энг яхши ўқитувчиларини ўз сафарида бирлаштиради. Улар олимлар ва мутахассис-хуқуқшунослар билан ҳамкорликда ёшларда хуқуқий

онгни шакллантириш, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан шуғулланади.

Афсуски, кўпчилик фуқаролар мамлакатимиз Асосий Қонунининг маъно-мазмунини, асл моҳиятини ҳанузгача чуқур ўрганишмаган. Зеро, ундан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларига алоқадор қўллаб-қувватлаётган масалаларга жавоб топиш мумкин. Шу боис, биз жонажон Конституцияимизни нафақат шунчаки билишимиз, балки уни амалда қўлай олишимиз ҳам лозим бўлади. Бу, айниқса, ёш замондошларимиз учун жуда муҳимдир.
 (Давоми 2-бетда).

ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН

Кичик сержант Бахтиёр Хужамов бўлима командири сифатида намунали хизмат қилиб келмоқда. Унинг қўлида ажойиб ҳунари бор: радио-телеуста. Спорт билан ҳам муштазам шуғуллан а д н, енгил атлетикадан унчинчи разряди бор. Бахтиёр ўз олдига офицер бўлишни, ҳарбий билим юртига киришни мақсад қилиб қўйган.
 Н. ЮСУПОВ
 олган сурат.



ВАТАНИМНИНГ ШЕРЗОДЛАРИ БОР

Автомобилчилар гуруҳи командири прапоршчик Қурбон Рашидовга қишқи ўқув мавсумининг дастлабки кунидан посбонларни жанговар техника билан таъинтириш вазифаси юкланди. Машгулот давомида, шунингдек, у гуруҳида яқинда келиб қўшилган ҳайдовчи посбонларни жанговар техникага бириктириб қўйиши лозим. Прапоршчик Қ. Рашидов ишнинг кўзини биладиган командирлардан. У машгулот давомида ёш аскарлар йигинидан яқинда келган ҳайдовчиларнинг имкониятларини ҳам бир йўла чамалаб кўрди. Масалан, оддий аскар Шерзод Тўрабоевдан техника билан ишлаш сир-асрорларини сўради. Посбон билганича жавоб қилди. «Демак, бу аскар билан бир оз иши олиб борсак, тажрибалардан ўргатсак, тез орада тайёр мутахассис бўлади, қолади», хаёлидан ўтказди командир.

Машгулот тугагач, тажрибали посбон, жанговар техника сир-асрорларини мукамал эгаллаган сержант Мухтор Тоштемировни ҳузурга чақирди.

— Мухтор, мана сенга шогирд. Ҳадемай, сен муддатли хизматни тугатсан, ўзининг ишончли ўринбосар қилиши ўзинга боғлиқ. Оддий аскар Тўрабоевнинг назарий билимлари ёмон эмас. Аммо техника билан кўп шуғулланмагани биланиб турибди. Қолаверса, жанговар техника билан ҳам ишламаган. Ишончим комилки, дўстлашиб, ака-ука бўлиб, жамоамиз ютуғига муносиб улуш қўшасизлар.

Очиғи, Шерзоднинг армия хусусидаги тасавурлари бир оз бошқача эди. Ҳатто ёш аскарлар йигинида командирларнинг эътибори, гамхўрликларини кўриб, «то кўникиб олгунимизча

шундай муносабатда бўлишди. Сўнгра қаттиққўллик билан тула Низомий талабларни қўйишса керак, Қўнглинда кечаётган гаплар билан таъинтиришнинг билан кимнинг иши бор. Ургансанг Ургандинг бўлмаса жазолашди», деб ўйлаганди. Собиқ иттифоқ армиясида сўзлаб берган хотиралари бунга сабаб бўлганди-да.

Пингн тугаб, қисмга, ўз соҳаси бўйича хизматини давом эттиришга келиб, командиридан бундай муомалани кўрган Шерзоднинг тасавурлари энди бутунлай ўзгарди. Мустақил Ватанимнинг, жонажон Ўзбекистонининг армияси ҳаёт мактаби экан. Тўғри, бунда бари Низом бўйича қаттиқ талаб қилинади. Аммо дўстона муҳит, гамхўрлик ва эътиборга нима етсин. «Буларни оқлаш учун Ватанимнинг асл химоячиси бўлишим, бурчимни шараф билан ўташим лозим». Пингн қалбидан ана шундай оташни каломлар отилиб чиқди.

Дарвоқе, оддий аскар Ш. Тўрабоев Қашқадарёнинг Қамани туманидан. Хизматининг дастлабки кунларида қишлоғи Оқгузарни, болалиги ўтган қўчаларни тез-тез кўрсарди. Машгулотларга жиддий киришган айни пайтларда эса, бир нарсани чуқур англаб этди: эгнига ҳарбий либос кийиб, садоқатдан онг ичиб, Ватанимни қўриқламоқдами, демак, сўлим қишлоғини ҳам химоя қилмоқда.

Сержант М. Тоштемировнинг зийрак, ўқувли бу шогирдидан кўнгли тўқ. Хализамон Шерзод унинг ўзидан ҳам ўзиб кетини мумкин. Аҳил жамоанинг ютуғи ҳам ана шундан-ла.

Катта лейтенант
 А. САФАРОВ,
 «Ватанпарвар» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯ ФАН СИФАТИДА УРГАНИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уқув юрларида бўлиб ўтаётган учрашувларда Асосий Қонунимиз жамиятни демократик асосларда ривожлантиришнинг барча талабларига жавоб бера олиши ва ҳуқуқий давлатни қуриш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда мустақкам пойдевор ҳисоблангани ҳақида гапирилмоқда. Олимлар ва мутахассисларимиз йиғит ва қизларга давлат ҳам, жамият ҳам аввало инсонга хизмат қилиши лозимлиги, шунингдек унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи Асосий Қонунимизнинг демократик асослари хусусида батафсил тушунча беришмоқда. Бўлиб ўтаётган барча учрашувлар давомида Конституция мамлакатимизда амалга оширилаётган барча туб ўзгаришларнинг асоси бўлиб хизмат қилаётгани ва у келажакда жамиятимиз тараққиётининг кафолати эканлиги алоҳида қайд этилмоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЮКСАК МАРРАНИ КУЗЛАБ

Оддий аскар Дилшод Маҳмудов жорий йилнинг май ойида муддатли ҳарбий хизматга қақирилди. Ўзги ўқув мавсуми давомида ўқиб, ўрганиб командирларнинг топшириқ ва кўрсатмаларига оғишмай риоя қилиб, кам бўлмади посбон. Яқиний сиёв машғулотларидаги кўрсаткичлардан командирларнинг кўнгли туқ. Дейлик, у иқтисодий-сиёсий тайёргарликдан, тактика ва жисмоний тайёргарликлардан яхши баҳо олди. Аммо Дилшоднинг ўзини бу натижалар қониқтирмади. «Нитилганимда, бор куч ва имкониятимни ишга солганимда кўрсаткичлар янада юксак бўлармиди?», деб ўйлади йиғит. Командир эса посбоннинг кўнглидаги гапни гўё сезгандек, «ҳали билим, тажриба ва кўникмаларни тўла намойиш этишга имконият бор. Мана айни қишқи мавсумда астойдил ҳаракат қилсанг, марра сеники», деди.

Дилшод тез кунларда қабул қилинадиган жанговар мейжбуриятда ҳам фақат юксак марраларни кўзлашни дилига туккан.

И. ҚУРБОНОВ.

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

МАҲБУС АЛМАШУВ

Ливаннинг «Хизбуллоҳ» ташиқоти исроиллик уч нафар ҳарбий маҳбусни озод қилишга розилик билдирди. Расмий Тел-Авив бунинг эвазига мамлакат қамоқхоналаридан бир гуруҳ ливанлик ва фаластинликни озодликка чиқарилган бўлди. Хабарларга қараганда, Германия воситачилигида ғомонлар шундай келишувга эришган. Маҳбус алмашув тadbiri Халқаро Қизил ҳоч қўмитаси воситачилигида январь ойида ўтказилди.

НАТИЖА БЕРМАСА

«Озод Аҳеч» ҳаракати (ОАХ) раҳбарияти билан

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон қолган бўлсангиз керак. Бўлиши мумкин эмас, деган фикрга келдингиз. Бир оз шошилмангиз, ана шу сўзларни айтаётган аскарларнинг гапларини бир эшитиб кўрингиз-а.

— Мен, — дейди оддий аскар Рамазон Нуоров. — Бухороданман, хизматимни бошлаганимга бир йилдан ошди. Мен аскарлик фаолиятимни XX асрда бошла-

ИККИ АСР АСКАРИ

дим, XXI асрда тамомлайман. Демак, икки аср аскариман. — Сафдошим, дўстим Рамазон тўғри айтди, — деб гапга қўшилди оддий аскар Жамолдин Умаров. — мен Наманганданман. Мен ҳам бир йилдан кўпроқ хизмат қилдим. Мус-

тақил Ўзбекистоннинг аскарлари эканлигимдан бошим осмонда. Биз ҳақиқатдан ҳам тарихий бир даврда аскарлик бурчимизни ўтаймиз. Мана ҳадемай янги йил, янги аср, учинчи мингйиллик кириб келади. Аср сўнгида мустақилликни қўлга киритганимиз жуда

катта воқеа бўлди. Биз уни ҳаминша асраб-авайлаймиз, ҳеч кимга бермаймиз. Янги асрда ҳаг мустақиллик биз билан, биз мустақиллик билан бирга бўламиз.

Мана, икки аср аскарларнинг гапларини эшитдингиз. Буёғига энди ўзингиз худоса чиқариб олаверасизда.

Майор А. АЗИМОВ.

ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

ВСЕГО ТРИ СЕКУНДЫ...

Старшина по контракту Валерий Петуховский находится на ответственном посту || — он командир группы по ремонту и обслуживанию парашютных приборов.

— Прибор АД-34Д предназначен для автоматического раскрытия парашюта ровно через три секунды после совершения прыжка, — рассказывает он. — Конечно как правило, военные десантники обходятся без него раскрывая парашюты самостоятельно при помощи вытяжного кольца. В данном случае прибор страхует их действия.

Как видим, в десантных подразделениях отработана строгая ступенчатая система обеспечения безопасности личного состава. Ведь человек, впервые оказавшийся за бортом самолета в свободном падении, испытывает сильнейший психологический стресс. В таком состоянии страх может буквально парализовать, сковать движения — и тогда все инструкции, полученные на земле, как говорят, вылетают из головы. Вот здесь-то и приходит на помощь автоматика — на смену трем секундам стремительного падения вниз в объятиях страха приходят секунды плавного приземления под белоснежным куполом парашюта.

В таком состоянии парашютист просто радуется жизни, не задумываясь о том, кто спас его в трудную минуту. И только потом, на земле, он понимает — произошло это благодаря людям, проверявшим перед укладкой его прибор.

Одним словом, должность у старшины В. Петуховского очень ответственная. Однако и опыт, необходимый для столь важного дела, имеется — в свои 32 года Валерий успел послужить и в авиации, и в разведке, а теперь служит в десанте. Основательность и скрупулезность в обращении со сложными приборами получил во время срочной службы в Военно-Воздушных Си-

лах в должности оператора кинотеодолитных станций. Именно там он впервые осознал, насколько высока цена ошибки специалиста, какие необратимые последствия она может вызвать в

уже майор Р. Дадабаев стал командиром десантной части, где он служит.

Мы побывали у воинов-десантников накануне начала нового учебного года. Командир отряда капитан



полете. Отсюда вынес он высокое чувство ответственности за порученное дело.

Позже, вернувшись после армии в родную Фергану, первые годы работал на гражданке. Через некоторое время понял: профессия защитника Родины — его призвание. Так получилось, что азам специальности армейского разведчика учил его тогдашний командир роты лейтенант Равшан Дадабаев. И уже спустя семь лет судьба вновь свела Валерия с наставником — теперь

Джаббар Рамазанов тепло отозвался о подчиненном, отметив его профессионализм и умение передать свои знания и навыки воинам. В сопровождении заместителя командира батальона по воспитательной работе капитана Вохиждона Тошалиева мы посетили мастерскую, где старшина по контракту В. Петуховский занимался с солдатами работой по проверке очередной партии парашютных приборов. Из воинов, наиболее качественно освоивших это дело, ко-

нам крылатой пехоты уверенности в своих силах, которая так нужна им, выполняющим учебно-боевые задачи самой высокой степени сложности, всегда готовым и в реальном бою смело шагнуть навстречу опасности.

Майор А. КАМАЛОВ,
контр. «Ватанпарвара».

На снимке: старшина В. Петуховский (второй справа) за работой.

Фото Н. ЮСУПОВА.

тинчлик музокаралари ҳеч қандай натижа бермаса ва айирмачилар мустақиллик тўғрисидаги талабларидан қайтмаса. Индонезия ҳукумати уларга қарши ҳарбий куч ишлатишга мажбур бўлади. Мамлакат мудофаа вазири Муҳаммад Маҳмудин шуни маълум қилди. Ҳукумат ва ОАХ раҳбарияти ўртасидаги тинчлик музокараларининг навбатдаги босқичини ўтаётган ойнанинг ўрталарида Швейцарияда ўтказиш режалаштирилган.

ҚОНУН ДОИРАСИДА, БИРОҚ...

Япония ташқи ишлар вазири Иохэ Коно Перунинг собиқ президенти Алберто Фухимор. Япония фуқаролигига эгалигини расман тасдиқлади. У ўзи истаган муддатга Японияда қолиш ҳуқуқига эга, деди И. Коно. Унинг айтишича, агар Перу томонидан А. Фухиморнинг қайтариб бериш ҳақида рас-

мий сўровнома жўнатилса, бу масала мамлакат қонунлари доирасида кўриб чиқилади. Бироқ Япония билан Перу ўртасида жиноятчиликда айбланаётган фуқароларни қайтариб бериш борасида ҳеч қандай ҳужжат имзоланмаган.

ЧЕГАРАЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

21—23 декабрь кунлари Москвада Грузия ва Россиянинг давлат чегарасини қўриқлаш департаментлари раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда икки давлат чегарачиларининг ҳамкорлиги, ўзаро аҳборот алмашув, грузиялик чегарачиларни махсус техника ва қуроллар билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилади.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Абхазиянинг Кодор дарасида БМТнинг Сухумидаги миссиясининг гаровга олинган икки офицерини озод

этиш бўйича музокаралар бошланди. ПАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, жиноятчилар билан Грузия президентининг вакили Эмзар Квициани музокара олиб бормоқда.

Грециялик Евстафнос Когилдис ҳамда польшалик Эбигнев Лехач яқинда куни Грузия—Абхазия чегарасида навбатчилик ўтаётган пайтда гаровга олинган эди. Жиноятчилар офицерларни сешанба куни ҳеч қандай шартларсиз озод этишини айтган бўлса-да, номалум сабабларга кўра бу орта суриляпти.

ТУҒРИДАН-ТУҒРИ

Хитой Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати билан БМТнинг толибларга нисбатан жорий қилган жазоси янада кучайтирилиши масаласи бўйича тўғридан-тўғри музокара бошланди. Маълум бўлишича, Хитойнинг Покистондаги элчиси Лю Шулин Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида толиблар раҳбари Муҳаммад Умар

билан учрашган. Учрашувда томонлар «Толибон» ҳаракатига нисбатан қўшимча жазо чоралари жорий этилиши, жумладан, қурол-яроғ беришнинг тақиқланиши масалаларини муҳокама қилган. Муҳаммад Умар Хитойни БМТ Хавфсизлик кенгашида мазкур мавзу бўйича қарор қабул қилинишига қарши чиқишга чақирган.

ҚУРБОНЛАР ОРТМОҚДА

13 декабрга ўтар кечаси Ғазода Исроил қўшинлари билан бўлган тўқнашувда икки фаластинлик ҳалок бўлди, 20 нафари яраланди. Хабарларга қараганда, Исроил танклари Фаластин маъмурияти назорати остида бўлган Хон-Юнус қочқинлар лагери худудига кириб келган. Фаластин полицияси уларга қарши ўт очган. Юзага келган отишма чоғида икки фаластинлик ҳалок бўлган ва 20 нафари жароҳатланган, бир неча бино вайрон бўлган. (ЎЗА).

Для всех и каждого

● БИЛАСИЗМИ?

ЭНГ КУП ТАРҚАЛГАН МУСИҚА АСБОБИ

Дунёда гитара кириб бормаган мамлакат бўлма-са керак. Бироқ, унинг ва-тани номаълум. У дастлаб қадимги Юнонистонда пай-до бўлган, кейин Испанияга ўтган. Айни чоғда Италия, Германия, Франция ва Рос-сияда у жуда машҳур му-

сиқа асбоби ҳисобланади. Гитара Ўзбекистонга кириб келганига ҳам анча бўлган,

НОЁБ ХУСУСИЯТЛИ НУР

Менимча, ҳозир лазер ни-ма эканлигини билмайдиган одам топилмас керак. Ла-зер—нигичка, кўзини қам-аштирувчи ўтқир ёруғ нур. Бу нур ўта ноёб хусусиятга эга. Унинг ёрдамида касал-

ликларни даволаш, қийин эрийдиган металлларни ке-шиш, олис масофаларга ах-борот ва маълумотларни узатиб бериш мумкин. Му-сиқа дискаларини жараңла-тадиган ҳам лазер нуридир. Лазерни ажулланиб бо-раётган асримизнинг 60-йилларида рус физик олим-лари Басов ва Прохоров ҳамда америкалик аллома Майман кашф этган. Бу кашфиёт учун улар Нобель мукофотига сазовор бўлган-лар.

● АЖАБО

МАЙИН ОВОЗЛИ «МАУГЛИ»

1991 йилда Уганда чаң-галзорларидаги бир қишлоқ фуқароси мовийранг май-мунлар тўдасида яланғоч ўғил бола қопқиллаб юр-ганини кўриб қолди ва бу ҳақ-да ҳамқишлоқларига айтиб берди. Қишлоқ аҳли зудлик би-лан экспедиция тузиб, узоқ изланишлардан сўнг уша тў-дага дуч келди. Лекин май-мунлар худди ўз фарзанди-ни ҳамоя қилишгадехан-дек жангга шайланадилар. «Ма-угли»нинг ўзи ҳам кескин қаршилик кўрсатарди. Ниҳоят болакай қўлга олинди ва уни қишлоққа

олиб келинди. Бир маҳал-лар Ссабуныя оиласидан Жон исмли бола йўқолгани эсга олинди. Уни Уганда пойтахтидан узоқроқдаги етим болалар уйига топши-ришди. Мана 9 йилдирки, Жон директор оиласида яша-моқда. У биринчи сўзларини айта бошлаганида, унинг ширали овози борлиги маъ-лум бўлди. Ҳозир Жон 15 ёшда ва у машҳур африкалик болалар хорининг солисти. Оқиста гапирди, аммо тингловчи-ларнинг айтишича, «худди фариштадек» куйлайди.

● ТЕСТ

Яхши дўст бўла оласизми?

Кўпчилик дилдаги гапларини ишониб айта оладиган дўсти бўлишни орзу қилади. Аммо аксарият одамлар ме-далнинг тескари томони ҳақида ўйламадилар. Биз ушунга бошқаларга қўяётган талабларга жавоб бера оламизми? Бу-ни аниқлаш учун қуйидаги тест топшириқларини ечишга уриниб кўринг. Жавобларнинг 3 та варианты—А, Б, В дан ўзингизга маъқулни танлаб олинг.

- 1. Агар сиз дўстларингиздан бири билан юз оер-ган кудгил воқеани бил-сангиз...
А). Бошқаларга айтиб берасиз — 1.
Б). Исмин тилга олмас-дан ҳикоя қиласиз. — 2.
В). Уни ошпор қилмай-сиз — 3.
2. Дўстингиз қарзга олган буюмларни ҳеч қачон қай-тармайди. У сиздан ноёб нарсани сўради. Сиз...
А). Уни берасиз — 2.
Б). Ушбу буюм сизда йўқлигини айтасиз — 1.
В). Сабабини тушунтириб, бермайсиз — 3.
3. Дўстингиз тасодифан қўл соатингизни тушириб, синдириб қўйди. Сизнинг муносабатингиз:
А). Барибир янгисини со-тиб олмоқчи эдингиз — 3.
Б). У соат ҳақини тўла-ши шарт — 2.
В). Жанжал кўтарасиз — 1.
4. Дўстингиз сизга ёқмай-диган киши билан муноса-батда бўлмоқда. Сиз...
А). Дўстингиз билан уч-рашмай кўйсиз — 2.
Б). У билан муносабатин-гизни узмайсиз — 3.
В). Танлаб олишни так-лиф этасиз — 1.
5. Ногаҳонда дўстингиз билан кўнглисизлик юз беришни билиб қолдингиз. Сиз:
А). У билан алоқани уза-сиз — 1.
Б). Очиқчасига гаплашиб оласиз — 3.
В). Дўстлигини узмай-сиз — 2.
6. Инсон ўзини дўст деб ҳисобласа, у нимага риоя этиши лозим?
А). У ўз сирларини баҳам кўриши — 1.
Б). Нимани хоҳласа фа-қат шу ҳақида гапирши — 3.
В). Дардини ичидан олиб юриши керак — 2.
7. Дўстингизга пул зар-рурлигини яхши биласиз, сизда эса пул керагича бор. Сиз:
А). Ортиқча гап-сўзсиз унга берасиз — 2.

- Б). Хизмати учун тўлов сифатида берасиз — 3.
В). Бермайсиз ва гапни бошқа томонга бурасиз — 1.
8. Агар дўстингиздан пул олмоқчи бўлсангиз, илти-мосингиз қуйидаги қайси шаклда намойн булади?
А). Гапни узоқдан олиб келасиз — 1.
Б). Тўғридан-тўғри сў-райсиз — 2.
В). Бу ҳақида умуман га-пирмайсиз — 3.
9. Дўстингиз сизнингча ўзига мос бўлмаган кийим-ни харид қилди. Шунда сиз:
А). Мақташга уринасиз — 1.
Б). Бу ҳақида очиқ-ойдин айтасиз — 2.
В). Билмасликка ола-сиз — 3.
10. Энг яхши дўстингиз ҳақидаги фикрингиз қуйида-ги қайси жавоб орқали на-моён булади?
А). У сиздан кўра обрў-лироқ — 2.
Б). Унчалик эмас — 1.
В). Сиз ваби оорўга эга — 3.
21 — 30 балл: Сиз ҳақи-қатан ҳам чин дўстсиз. Дўстларингиз сизга ишони-шади ва сиз билан фахрла-нишади. Ҳеч қандай шубҳа-сиз айтиш мумкинки, керак бўлган пайтда улар ёрдам-га келишади. Албатта сиз ҳам шундай муносабатда бўлсангиз.
15 — 20 балл: Сизнинг дўстларингиз бор. Аммо уларга керагича эътибор бермайсиз. Қандай йўл ту-тишни билмай қолганингиз-да ўзингизни бошқа одам ўрнига қўйиб кўринг.
10 — 14 балл: Сиз атроф-дагиларга қараганда кўп-роқ ўзингизга эътибор бе-ришга мойилсиз. Сизнинг бу хусусиятингиз — ҳақи-қий дўстлик олдидики тў-сиқдир. Яхши дўст бўлиш учун бошқа одамлар ва уларнинг муаммосига кўп-роқ эътибор бериш лозим-лигини унутманг.

● ЭТО ИНТЕРЕСНО ГУРМАНЫ ПРЕДПОЧИТАЮТ ЖАРЕННЫХ ТАРАКАНОВ

Лондонский бомонд отк-рыл новый этап революци-онных нововведений в о-ласти кулинарии. Теперь на самых изысканных сло-личных тусовках собрав-шимся предлагаются... жар-еные тараканы и жуки. Коконы шелкопряда и ку-зечки, запеченные в шо-коладе. Сидящие на диете могут воспользоваться ян-цами красных муравьев. Для особых ценителей пред-лагается хрустящая зажа-ренная медведка прямо с крыльями. А «классичес-кий» считается салат из четырех компонентов: сверч-ков, саранчи, водяных жу-ков и тех же медведок. Менеджеры новомодного увлечения уверяют, что, ска-жем, тараканы, жуки и сверчки содержат много белка, но в то же время не имеют жира. Для многих привлекательно еще и то, что все эти изысканные ку-шанья достаточно дешевы.

● БЫВАЕТ ЖЕ...

ДЕТЕЙ ПОСАДИЛИ В ТЮРЬМУ

Двое учеников колледжа из штата Огайо были от-правлены в тюрьму на трое суток за отказ смотреть об-разовательную программу, прерываемую рекламой. Практически все школы и колледжи в этом штате прак-тикует обязательный прос-мотр этой программы, так что отказ детей посчитали за грубое нарушение дис-циплины. 13-летние Карлотта и ее брат Морер исповедуют ту же религию, что и их мать. Согласно правилам, любая реклама или видеоролик счита-ются запретными вещами, так что нежелание детей смотреть передачу, преры-ваемую рекламой, было вполне естественным. Мать

неоднократно обращалась к директору колледжа, но не добила никаких результа-тов. И вот, когда в очеред-ной раз преподаватель вклю-чил телевизор, Карлотта и Морер встали и вышли из класса. На следующий день их публично обвинили в прогуле урока и отправили в специальную тюрьму. Там Карлотту поместили в ка-меру, где уже находилась 14-летняя девочка, подозре-вающаяся в убийстве своей матери. Мореру повезло больше — его заперли в одиночке. Мать детей пода-ла в суд на директора шко-лы, считая его действия противоправными и бесче-ловечными.

Подготовила Н. ХАЛЛЕВА,

● ЕҚИМЛИ ИШТАҲА



Керакли масаллиқлар: 300 гр. қаймоқ (султи-рилган қаймоқ), 1 донна ту-хум, 250 гр. шакар, 250 гр. ун, ванилин. Тортнинг ора-сига сурғиш ва устини бе-заш учун мураббо (шафтоли-

ли, қулупнайли, малинали ёки урикли), 200 гр. ча-қилган ёнгоқ мағиз керак бўлади. Махсус идишга ун ва ша-кар солиб аралаштирилади. Бошқа идишга қаймоқ, ту-

хум, ванилин солиб кўпир-тирилиб, ун ва шакарга қў-шиб хамир қорилди. Ет суртилган қоллига хамир жойлаштирилади. Уртача оловда пиширилади. Тайёр бўлган маҳсулот совутила-ди. Сўнг, энига қараб ик-кига бўлиниб, мураббодан ҳар иккала бўлакка сурила-ди ва майдаланган ёнгоқ, қанд упаси сепилди. Тай-ёр бўлақлар устма-уст қўй-илади. Торт устинга ҳам мураббо суртилади. ёнгоқ ва қанд упаси сепилди.

● ТЕЛЕАНОНС

«ЖАРАЁН»

Республика ҳарбий про-куратураси ходимлари ва «Ёшлар» канали ижодкорла-ри томонидан навбатдаги «Жараён» кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда.

Кўрсатувда Чирчиқ ҳар-бий прокуратураси назора-ти остидаги ҳарбий қисмлар-да қонунчилиқни мустаҳ-камлаш, жиноятчиликка

қарши кураш, ҳарбий хиз-матчилар ўртасида интизом-ни янада кучайтириш бора-сида мазкур прокуратура-нинг олиб бораётган фа-олияти намойиш этилади. Кўрсатув 18 декабрь куни соат 19.35 да Ўзбекистон те-левидениесининг «Ёшлар» телеканали орқали эфирга чиқади.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

ВАТАНПАРВАР
Объявления и реклама для опубликования в газете "Ватанпарвар" принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (ком.27).
Адрес: ул. Кунаева, 21 (ориентир гостиница "Россия").

наша проблема! Фирма «ЛИММОЛИМ». Только позвоните. Т. 152-13-74, 152-13-75.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 12 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қий-матини белгилади:
1 АҚШ доллари 320.61.
*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбеки-стон Республикаси Марка-зий банки мазкур валюта-ларни ушбу қийматда со-тиш ёки сотиб олиш мажбу-риятини олмагаи.

ХАНДАЛАР

Бир куни бир аслзода аёл радиони ихтиро этган А. С. Поповдан Атлантика океани орқали ўтқазилган кабел қандай ишлашини тушунти-риб беришни сўраган. Олим-нинг жавобини эшитгач, у деган:
— Мен ҳар хил олимлар билан кўп гаплашганман. Уларнинг ҳеч қайсиси сиз-чалик содда ва тушунарли қилиб гапирмаган эди. Ле-кин, айтиш-чи, Европадан Америкага юборилган теле-

грамма қандай қилиб ҳўл бўлмасдан қуруқ боради?

Эйнштейннинг ёрданчиси профессорга дебди:
— Профессор, бугун газе-талар сизнинг етмишга кир-ганингизни ёзишди.
Ишга берилиб кетган про-фессор жавоб берибди:
— Яхши, яхши. Менинг номимдан табриклар, унга бир гулдаста юборинг.
М. МАҲҚАМОВА тайёрлади.

КУПЛЮ

- ◆ ВМ-12, Комету-225, маг., усилит. АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.
◆ Шв. маш., холод., в/маг., БК, стир. маш., газ., эл. плнты, Т.: 45-78-30.
